



№68-69
2019-yil, 27-avgust
Seshanba (32.559)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Ў‘zbekiston ovozi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум!
Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хурматли фестивал катнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз, азизлар билан гўзал Ўзбекистон диёрида, «Ер юзининг сайқали» деб ном олган қадимий ва бетакрор Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод етатман.

Мана, йигирма икки йилдирки, биз бу фестивални ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хоним юртимизга шахсан ташриф буюриб, анжуманимизга алоҳида фой ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, тантанамизда қатнашаётган фахрий меҳмонларимиз:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевга, Россия Федерацияси Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Владимир Толстойга, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақўти Раимқуловга, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловга, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазири Ата-

гелди Шамурадовга, Бангладеш Халқ Республикаси маданият вазири Муҳаммад Холлидага, Бутан Қироллиги маданият ва ички ишлар вазири Шеруб Гйелтшенга, Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири ўринбосари Павел Левандовскига, Буюк Британия Парламенти Лордлар Палатаси аъзоси Муҳаммад Илтоф Шайхга, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси сенатори Екатерина Дуловага, Япониянинг Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагавага, Корея Республикаси Андонг шаҳри мэри Квон Ёнг Сега, Лал Баҳодур Шастри институти раиси, Ҳинд – ўзбек дўстлик алоқалари кенгаши президенти Анил Шастрига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакиллари, фестивалимизни жаҳон миқёсида ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимларига чуқур ташаккур изҳор етатман.

Бугунги анжуманимизга дунёнинг барча қитъаларидаги 75 та давлатдан 340 нафар азиз меҳмонимиз иштирок етмоқда.

Биз ушбу таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар ва истеъдод соҳибларини санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари сифатида ҳурмат қиламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хуш келибсиз, гўзал Ўзбекистонимизга, Хуш келибсиз, муаззам Самарқанд шаҳрига!

Хурматли фестивал иштирокчилари! Ҳаммамизга яхши маълум, дунёнинг кўлаб қитъа ва минтақаларида турли

санъат ва мусиқа анжуманлари ўтказиб келинади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шухрати ва мақоми билан ажралиб туради.

Ушбу фестивал сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узок ўтмишини акс еттирадиган мунаввар кошоналари, муаттар ҳавоси билан бирга, бу муқаддас заминдан таралаётган дилбар ва мафтункор тароналар ҳам дунё аҳлини ўзига чорламақда.

Ўтган салкам чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гумбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради.

Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созанда, ноёб ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Биз бу фестивалнинг замирида улуг ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг, олам аҳли, ҳаммиз бир-бирингизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг, деган мазмундаги ўлмас даъвати муқассам эканини кўраимиз.

Айни пайтда буюк француз адаби Виктор Гюгони «Эзгулик ва ҳамжиҳатлик – инсон маънавий оламнинг кўшидири»

деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак гоёлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.

Мана шу юксак саҳнага – кўркем ва муҳташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъий назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлабди.

Бунинг учун сизларга чин юракдан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир масалага муносабатимни билдириб ўтмоқчиман.

Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги баҳслар қизғин тус олмоқда. Келажак мусиқасини энди фақат техника яратади, деган башоратлар илгари сурилмоқда.

Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай муқаммал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нолаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий мусиқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратади.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 август кун Самарқанд шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азулени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий кўлаб, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд етди.

Одри Азуленинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот бош директори сифатидаги мазкур илк ташрифи ўтган йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлиб, устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида томонларнинг интилиши қатъий эканидан далолат бериши таъкидланди.

Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг ноёб моддий ва номоддий маданий-тарихий меросини асраш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жаҳоннинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ва татбиқ этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кенгаймоқда. Бу ерда гап Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида «Дунё дилларини қиёслама татдиқ этиш», «Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси», «Маданият туризми» каби кафедралар очилиши ҳақида бормоқда.

ЮНЕСКО кўмағида мамлакатимизда «Шарқ тароналари», бахшичилик санъати, ҳунармандчилик фестиваллари, Мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Учрашувда кенг қўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган қилишларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ривожлантириш ва асраш соҳасидаги фаол саъй-ҳаракатларни давом еттириш муҳимлиги қайд этилди. Самарқандда шу мавзуга бағишлаб муваффақиятли ўтказилган қўшма халқаро конференция натижалари юксак баҳоланди.

Маданият, таълим ва фан, гендер сиёсати йўналишларида ҳамда экология, жумладан, Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўналишида амалий ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

ЮНЕСКО Бош директори самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирди.

Юртимизда бой маданий меросни асраб-авайлаш, туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим ва фан, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги оқилолтар ижобий натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан кенг қўламли шерикликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашда қатъий экани тасдиқланди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбрасини зиёрат қилди.

Президент топирига мувофиқ, Имом Бухорий мажмуасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилган. Симметрик тарзда иккита масжид ва тўртта минора қуриш, йўлдан кириб келишда хибон, унинг атрофида кичик меҳмонхоналар ва йирик отел, бошқа инфратузилма объектларини бунёд этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа реконструкциясини шошмасдан, сифатли ва чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш, хориқ тажрибасини ўрганиб, зиёратчиларга янада кенг қўлайлик яратиш зарурлигини таъкидлади.

Мажмуадаги ишлар мамлакатимизда илм-маърифатни ривожлантириш, динга эътиқод қилувчиларга эркинлик ва шароит яратиш борасида навбатдаги хайрли қадам бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ёритиш учун келган маҳаллий ва хорижий блогерлар билан суҳбатлашди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёга очилмоқда ва халқаро ҳамжамиятда ҳақиқатини етказишга интилиш бор. Энг муҳими, муҳокама қилиш, танқид қилиш мумкин, – деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда ислохотларни, маданиятимиз, тарихий обидаларимизни бутун дунёга тараннум этишда блогерларнинг ўрни катта экани таъкидланди.

Сизларни жонажон Ўзбекистонимизда, қадимий цивилизация маркази Самарқандда кўриб турганимдан бағоят мамнунман. Бугун биз Ўзбекистоннинг янги тарихини яратяпмиз. Мақсадимиз – халқимизга хизмат қилиш, одамларни рози қилиш ва келажакда ишонч билан қарашини таъминлаш. Бунга сизлар ҳам ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман, – деди Президент.

Орангизда ўзимизнинг қорақўлларимизни кўриб турибман. Бу менга ифтихор бағишлайди. Билингни, Президент сизларни доим қўлаб-қувватлайди, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Мулоқот сўнгида Президент блогерлар билан суратга тушди, уларнинг фаолиятига муваффақиятлар тиллади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2019 йил 24 август кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси иши давом еттирилди.

Мажлисида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок етдилар.

Мажлисини Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.


Сенаторлар ишни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Қайд этилишича, Бюджет кодексига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларга ўзгаришлар киритилимоқда. Шундай механизм жорий этилмоқдаки, унга кўра Олий Мажлиси палаталари харажатлар сметалари уларнинг девонлари томонидан бюджет қўмиталари билан биргаликда парламентларо ва халқаро ҳамкорликка доир харажатлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Сенаторлар таъкидлашча, ушбу қонун қабул қилиниши ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи органи молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Сенат аъзолари «Сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Давоми 3-бетда. ▶



ҚАДИМ КЕНТДА ДУНЁ НАВОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Самарқанд яна бир нуфузли халқаро тадбирга мезбонлик қилмоқда. Дунё эътирофидиги нуфузли тантана – «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивали муносабати билан шаҳар байрамона безатилган.

Кенг ва озода кўчаларда ранг-баранг байроқлар ҳилпирайди. Сўлим боғ ва хибонлар таровати, одамлар юзидаги мамнуният катта байрам руҳини акс еттирган.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш мақсадида 1997 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ҳар икки

йилда бир нишонланадиган фестивал жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган йирик маданий тадбир бугунги мураккаб даврда инсонларни тинчлик, ҳамкорликка чорловчи ва буни амалда намойен етувчи эзгулик минбарига айланаб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ, «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалига ҳар қачонгидан катта ҳозирлик қўрилди. Тарих зарварларида азим шаҳар дея таъриф бериладиган Самарқандда кенг қўламада қурилиш-

ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида Самарқандда ҳам янги меҳмонхоналар, ресторан ва бошқа кўлаб туристик объектлар бунёд этилди.

Биргина мисол. Ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт давомида халқаро мусиқа кечаси меҳмонларини қабул қилиш учун санокли меҳмонхоналар ҳозирланган бўлса, жорий йилнинг ўзида 20 дан ортиқ ана шундай хизмат кўрсатиш объектлари санъат аҳли учун шай қилинди.

Самарқанд, Регистон майдони. 26 август, соат 19.00.

Давоми 2-бетда. ▶

Сўзда ёки суратда тасвирлаб бериш имкони бўлмаган ҳис-туйғулар musiқада намоён бўлади...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЁН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршилиқлар, уруш ва низолар авж олган тахликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда musiқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Musiқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.

Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаёта муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади.

Ва мен ишонаман, улар дунёни маънавий таназзулдан қутқаришга қодир бўлган, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни улуғловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Шу маънода, musiқа — ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мухтарам меҳмонлар!
Бугун биз мамлакатимизда миллий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқдамиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янгиланишлар маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалида орттирган тажрибамизга таянган ҳолда, биз биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказдик.

Сентябрь ойида Қўқон шаҳрида Халқ амалий санъати халқаро фестивалини ўтказишга катта тайёргарлик қўймоқдамиз.

Ушбу анжуманлар ЮНЕСКО, АЙСЕКО, Халқаро фольклор санъати ташкилоти сингари нуфузли тузилмалар, сизлар каби санъат жонқуярлари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани учун барчангизга раҳмат айтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб musiқа ва санъат мактаблари,

академик лицейлар, олий ўқув юрталари, кўплаб театрлар, тасвирий санъат ва концерт заллари фаолият олиб бормоқда.

Ўйлайманки, сизлар ана шу ижод масканларига ҳам таширф бўйиб, ёшларимиз учун маҳорат дарслари бўлиб хизмат қиладиган учрашув ва суҳбатлар ўтказасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга бир тақлиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Агар сизларда юртимиздаги консерватория ёки ўқув юрталарида ёшларга сабоқ бериш нияти туғилса, сизларни шахсан ўзим қўллаб-қувватлайман.

Мухтарам фестиваль қатнашчиларини!

Санъатни, қўй-қўшиқни севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган эл-юртимиз ушбу анжуманни қувонч билан кутиб олмақда.

Тубдан янгиланаётган Ўзбекистон билан ақиддан танишув, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан учрашув ва мулоқотлар Сизларда, албатта, ўчмас таассурот қолдиради, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтadиган «Шарқ халқлари анъанавий musiқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам омадлар тилайман.

Бу ажойиб нафосат байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Самарқанд аҳлига анжуман иштирокчилари ва бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Қадрири дўстлар!
Азиз меҳмонлар!

Musiқа санъатига садоқатингиз, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги меҳнату маҳоратингиз, улкан ҳиссангиз учун барчангизга яна бир бор чексиз эҳтиромимни билдираман.

Янги ижодий уютуқлар, миллионлаб мухлисларнинг олқиши ва меҳр-муҳаббати сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Жаҳонда тинчлик, халқлар ўртасидаги муштаҳкам дўстлик ришталари барқарор бўлсин!
Эътиборингиз учун раҳмат.

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИГА БОҒЛИК

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 26 август куни «Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) шафелигида ташкил этилган анжуманда халқаро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, 77 давлатдан олимлар, архитекторлар, халқаро экспертлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним конференция юқори савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Анжуманининг Самарқандда ўтказилиши тарихий аҳамият касб этишини, бу қадимий шаҳар нафақат Буюк ипак йўли чорраҳасидаги йирик савдо, балки маданият маркази ҳам бўлганини таъкидлади.

Бир неча асрлик тарихга эга обидалар бу заминнинг азалдан илм-фан, маданият ривожланган маскан, бу халқ ажодларининг юксак ақл-заковат эгаси бўлганидан далолат, — деди Одри Азуле хоним. — Ушбу меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш барчамиздан юксак масъулият талаб этади. Чунки бу обидалар нафақат ушбу минтақа халқлари, балки инсониятнинг бойлигидир. Шу мақсадда ЮНЕСКО Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориб, моддий ва номоддий меросни асраб-авайлаш борасида ўз тавсияларини бермоқда, амалий кўмак қўрсатаяпти. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам замонавий шаҳарсозликда маслаҳатларимизга таянган ҳолда иш олиб бормоқда.

Халқаро конференция ялпи мажлисида ЮНЕСКОнинг шаҳарсозлик ва консервация бўйича илмий раҳбари, «Беца-пель» санъат академияси профессори Майкл Тернернинг минтақа мамлакатларида собиқ иттифоқдан кейинги даврда шаҳар мероси муаммолари ҳақидаги

маърузаси тингланди.

— Мазкур анжуман Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар халқлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрокчи котиби Сергей Лебедев. — Ташкилотимизга аъзо давлатлар ўртасида тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича келишув мавжуд. Самарқанд ўзининг узоқ йиллик ўтмиши, бир неча асрлик тарихий обидаларга бойлиги билан ер юзи сайқали, Шарқ гавҳари ҳисобланади. Мен ҳар гал Самарқандга келганимда тарихий обидаларни кўриб, хурсанд бўламан. Бу буй тарих, маданият, шу билан бирга, туризм учун улкан иқтисодий имкониятдир. Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳимиз. Биз ушбу йўналишдаги савй-ҳарақатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Анжуманининг шўба мажлисларида маданий мерос ва шаҳарсозлик, бутун-жаҳон меросини асрашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимда маданий меросни сақлашдаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишди.

— Ташкилотимиз жаҳон маданий мероси рўйхатида кирган объектларни сақлаш, асраб-авайлаш учун давлатларга ўз тавсияларини бериб боради, — дейди Ёдгор-жаклар ва диққатга сазовор масканларни сақлаш бўйича халқаро кенгаш — ICOMOS эксперти Кристина Яманди. — Жумладан, Самарқанддаги моддий мерос объектларини асраш бўйича ҳам ҳамкорликда ишлашди.

Конференция якунида шўба мажлисларида билдирилган фикр ва тавсиялар асосида тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий объектлар билан танишди. «Шарқ тароналари» XII халқаро musiқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



ҚАДИМ КЕНТДА ДУНЁ НАВОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Қуёш уфққа бош қўйди. Муҳташам мадрасалар гулгун шафқ ва ранго-ранг чироқлар ёғдусида янада гўзал ва салобатли кўринади. Уч муҳташам мадраса ўртасида қурилган, фестиваль руҳига мос безатилган амфитеатрга минглаб, миллионлаб нигоҳлар қадалган. Томошагоҳ «Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалининг очилиш маросимига йиғилган одамлар билан тўлган. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, musiқашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олади.
Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.
Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни самимий қўллаб, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашда мазкур санъат анжуманининг аҳамияти бекиёс эканини таъкидлади, фестивал иштирокчиларига ижодий муваффақиятлар тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини қайд этди.

«Шарқ тароналари» мадҳияси садолари остида саҳнага фестиваль қатнашчилари — 75 мамлакат байроғи олиб чиқилди.

Майдон узра ёқимли куй таралди. Бу оҳанг қалблар

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

Давлат бюджети ижроси:

Бажарилмаган ишлар ҳақида ким маълумот беради?..

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджетиди ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси якунларини кўриб чиқди.

Давлат бюджети ижроси Президентимиз фармон ва қарорлари, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида ташкилланган. Шунингдек, Президент қарор ва топшириқлари, олий даражадаги таширфлар давомида имзоланган ҳужжатлар, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросига устуворлик берилган.

Биринчи ярим йилликда макрориктсодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш даражаси ошган. Натижада ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулоти қарийб 222,0 трлн. сўмни ташкил этган ҳолда, ўтган йилга нисбатан 5,8 фоизга ўсган.

Таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 16369,1 млрд. сўм маблағ ажратилган. Бу ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатларнинг 54,5 фоизини ташкил этган.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар ҳақида ҳам ҳисобот берилади. Унга қўра, Давлат бюджетидан биринчи ярим йилликда 2 261,5 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланган. Шундан 14 ёшгача боласи бор оилаларга тўланадиган нафақа учун 320,7 млрд., боласи 2 ёшга тўлгунча қадар ишламайдиган оналарга тўланадиган нафақа учун эса 565,9 млрд. сўм йўналтирилган. Кам даромадли оилаларга тўланадиган моддий ёрдам учун 104,5 млрд. сўм ажратилган. Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақага 175,6 млрд. сўм сарфланган. 43,6 млрд. сўм алоҳида тоифадаги фуқароларга уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари учун ишлатилган.

Хисоботда ҳар бир йўналиш ва соҳалар кесимида олиб борилган

га кириб, кўнгилнинг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, ҳайрат солади. Бу куй сеҳри, оҳанг завқи, musiқа қудратининг амалдаги ифодасидир.

Санъат одамларининг озу-ҳаваси, қувонч шодлиги, армон ва изтироблари, ички кечинмаларини ифодаловчи воситадир. Сўзда ёки суратда тасвирлаб бериш имкони бўлмаган ҳис-туйғулар musiқада намоён бўлади, юракларда акс-садо беради. Musiқа халқларни, турли миллат ва элларни бир-бирига танитади, қалбни яқинлаштиради.

Дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз ҳам musiқа, қўшиқ ҳақида фалсафий-эстетик қарашларини илгари суриб, бу ҳақда асарлар битган. Хусусан, Абу Наср Форобий «Musiқа ҳақида катта китоб» асарида товушларнинг жузуда келиши, қуйлар уйғунлиги, маром ва улар турларини шарҳлаган. Абу Али ибн Сино «Тиб қўрунлари» китобида юрак, асаб касалликларини musiқа воситасида даволаш йўллари ҳақида ёзган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандда илм-фан ва санъатнинг барча соҳалари қатори musiқа ва қўшиқчилик ҳам ривожланган. Бу ерга дунёнинг турли ўлкаларидан моҳир созанда ва хонандалар жам бўлган. Буюк жаҳонгирнинг шавкатли юришларидан сўнг катта musiқа кечалари ўтказилган, расмий қабуллар, тантана ва маросимлар қўй-қўшиқларсиз ўтмаган.

Тарихчи Шарофиддин Али Яъдий «Зафарнома» асарида Амир Темур саройида ўтказилган musiқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар қуйлашни бошлаб, газалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитой араб ва аждамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзган.

Бугун мамлакатимизда musiқа ва санъатни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бу борадаги истеъдод ва

катта муаммоларга сабаб бўлмоқда. Коммунал хизмат, тиббий хизмат кўрсатиш сифати борасида ҳам мақтана олмаймиз.

Аҳоли билан юзма-юз мулоқотларда биз эътибор бермаган катта-кичик масалалар кўтарилмоқда. Мисол учун, умумтаълим муассасаларида фаррошлик штатлари жуда кам. Катта мактабга бор-йўри 1-2 нафар фаррош штати ажратилган. Ҳисоботда фаррошлар ҳудуднинг метр квадратига қараб белгиланиши таъкидланди. Аммо ушбу меъёрга барча жойда ҳам бирдек амал қилмади, деб бўлмайдми. Масалан, Олий Мажлис биносига 20 га яқин фаррош ишлайди. Тўғри, бу маскан мактабдан бир неча баробар катта. Шунда ҳам битта мактабнинг тозаллигига икки кишининг жавоб бериши қийин. Натижа талаб қилишдан олдин шароит ва имконият яратиб беришимиз лозим.

Шунингдек, депутатлар бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилгани, айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмагани қўбатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қардорлиқнинг юзага келаётгани кескин танқид қилинди. Вазирилик, иш доиралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг иккоро интизомини қўчайтириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг юзага келаётгани кескин танқид қилинди. Вазирилик, иш доиралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг иккоро интизомини қўчайтириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг юзага келаётгани кескин танқид қилинди.

Айтиш керакики, мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси ҳақидаги ҳисобот талабчанлик руҳида, танқидий-таҳлилий тарзда қўриб чиқилди. Йиғилиш якунларига қўра, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

қобилиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишда бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миллий мумтоз санъатимиз ривожига янги истиқболларни очди. Мазкур ҳужжат асосида мамлакатимиз пойтахтида Ўзбек миллий мақом санъати маркази, ҳудудларда намунали мақом ансамбллари ташкил этилди. Болалар musiқа ва санъат мактабларида мақом алифбоси фани ўқитилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган беш муҳим ташаббусдан бири ҳам ёш авлоднинг musiқа ва санъатга иштиёқини ошириш, халқимизнинг бетакор маданияти ва санъатини ўрганишга эътиборни қўчайтиришга қаратилган.

...Маросимдаги мумтоз ашулалар, фольклор намуналари, жаҳон musiқа ва қўшиқчилик санъатининг нодир дурдоналари, завқли рақслар дилларни жўш удрди. Томошбинлар юракка яқин қўшиқларга жўр бўлади, шўх қўй-қўшиқлардан завқланиб, рақсга тушади. Тил ва таржимон танламас бу оҳанглари дилларга кириб боради. Ҳар бир инсонни, у қайси юрт, қайси миллат, қайси дин вакили бўлишидан қатъий назар, санъат орқали бир-бирига яқинлаштиради, дўст қилади.

«Шарқ тароналари» ана шу жиҳатларни ўзида мужассам этгани учун ҳам ўтган давр мобайнида нуфузли маданий тадбирга айланди. Негаяки, халқаро даражадаги бошқа musiқа фестиваллари musiқа санъатининг муаяян турларига ихтисослашган. Айримларида фақат қўшиқ қуйланса, баъзиларида musiқа иккоро этилади ёки рақс тушилади. «Шарқ тароналари» эса санъатнинг барча кўринишларини ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Халқаро фольклор санъати ташкилоти яқинда «Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалини аъзоликка қабул қилди.

Мамлакатимизда шу кунга қадар ўн бир марта ўтказилган фестивалда дунёнинг 114 давлатидан вакиллар қатнашган. 1997 йилдаги биринчи фестиваль 31 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган бўлса, бу йилги қатнашчи давлатлар сони 75 тани ташкил этмоқда.

Фестиваль доирасида Шарқ халқлари musiқа санъати анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган халқаро анжуман ўтказиш анъанасига айланган. Бу йил фестивал давомида «Шарқ халқлари анъанавий musiқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Фестивалнинг янгиланган низомига қўра, бу йил танлов иштирокчиларининг чиқишлари икки йўналиш — профессионал тарздаги халқ musiқа ва қўшиқлари ҳамда анъанавий ижод намуналари — замонавий musiқа ёки қўшиқ йўналишларида баҳоланади.

Фестиваль иштирокчилари танлов дастуридан бошқа вақтларда Самарқанд шаҳрида, шунингдек, Оқдарё, Самарқанд, Пастдаргом, Тайлоқ, Ўргут ва Жомбой туманларидаги истироҳат боғлари, маданият муассасаларида ижодий учрашувлар, концертларда қатнашади.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш ижрочиларининг шўх ва дилтор қўшиқлари билан давом этди. Самарқанд осмони узра порлаган мушаклар, «Шарқ тароналари» musiқа фестивали наволари олис-олисларда акс садо берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус хабарлари.

Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти ташкил топганлигининг 70 йиллиги муносабати билан Олмалик шаҳридаги «Металлург» санъат саройида 23-24 август кунлари миллий кинофильмлар фестивали ўтказилди.

ОЛМАЛИҚДА МИЛЛИЙ КИНОФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Олмалик кон-металлургия комбинати рангли металлургия саноатининг етакчиларидан бўлиб, тоғ жинсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат республикада, балки Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик корхоналардан биридир. Комбинатнинг Осиё минтақасидаги улуғи салмоқли бўлиб, йиллик солиқ ўтказмалари давлат капиталининг 3,6 фоизини, мамлакатимиз экспорт тизимида салкам 10 фоизни ташкил қилади.

Фестиваль меҳмонлари яқинда капитал таъмирдан чиқарилган муҳташам «Металлург» санъат саройи заллари, у ерда фаолият кўрсатаётган турли тўғараклар фаолияти билан танишишди. Ҳар бир зал таниқли расмоларнинг асарлари билан безатилган ўзига хос кўрinishида эга.

Мухлис ва ишчибузол фотосессия учун ташкил этилган махсус жойларда таниқли актёр ва актрисалар билан мулоқотда бўлишди, улар билан суратга тушишди. Фестиваль доирасида ўтказилган матбуот анжуманида Олмалик кон-металлургия комбинати бошқаруви раисининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Улуғбек Фаёзов меҳмонлар ва йиғилганларни қўллаб, комбинатда яратилган шартлар ишлар, ишчи-хизматчиларга яратилган қўлай ҳақида ҳақиқат маълумот берди.

Матбуот анжуманидан сўнг санъат саройининг катта залида «Ўзбекино» Миллий агентлиги тайёрлаган «Саид билан Саида» фильми намойишдан олдин мазкур фильм ҳақироматини, киножодкорлар, киноактёр ва режиссёрлар билан учрашув ташкил этилди.

—Ушбу фестиваль «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан имзоланган меморандум асосида ташкил этилди, — дейди агентлик ишлар бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Норов. — Тўғриси, бу тадбир катта байрамга айланиб кетди. Ўзбекистон халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар, таниқли режиссёрлар, актёр ва актрисалар нафақат комбинат ишчи-хизматчиларини, балки бутун Олмалик шаҳри аҳолисини хурсанд этди.

Икки кунлик фестиваль давомида «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан суратга оlingан учта энг сара фильм кино ихлосмандларига тақдим этилди. Анжуманининг биринчи кунинда «Саид билан Саида», иккинчи кунда эса «Элпарвар» ҳамда «Сарвкомат дилбарини» фильмлари намойиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида
АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

«Ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларга муносиб бўлмасак, жамиятда ўз ўрнимизни тополмаймиз».

МУНОСАБАТ

ФАОЛИЯТИМИЗГА ҲАҚИҚИЙ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Юртимизда демократик ислохотлар ҳам мазмуни, ҳам моҳиятан бутунлай янги босқичга кўтарилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги тамойиллари амалда таъминланмоқда. Бу эса мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳаётимизнинг демократик нуктаи назардан янги даражага кўтарилиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг бугунги фаолияти, қатъияти ва ташаббускорлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аммо тан олишимиз керакки, партиямиз замоннинг юқори талабларига мос равишда иш юрита олмаямти. 2014 йилдаги сайловдан кейинги фаолиятимиз тахлилий-танқидий кўриб чиқилганда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Мухтарам Президентимиз билан учрашувда парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловга пухта тайёргарлик кўриш, бу галги сайловнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти билан боғлиқ долзарб масалаларга эътибор қаратилади. Демократик жараёнларни чуқурлаштириш бўйича сиёсий партиялар зиммасида улкан масъулиятли вазифалар турганини чуқур ҳис этдик.

Учрашувда ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олиши таъкидланди. Дарҳақиқат, ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларга муносиб бўлмасак, жамиятда ўз ўрнимизни тополмаймиз.

Албатта, кейинги йиллардаги изчил ислохотлар натижасида жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллик, айтиш мумкинки, сиёсий-ҳуқуқий маданият анча юксалди. Бугун сайловчилар қандай дастур, қайси номзодларга овоз беришни яхши билади.

Бундай тарихий шароитда сайловга кириб бораётган ҳар бир партия аввало пишиқ-пухта Сайловолди дастури тайёрлаши, уни ҳаётини гоёлар билан бойитиши, асосийси, аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларни бартараф этишга қодир бўлган таклифларни илгари суриши талаб этилади. Партиямиз сайловга тайёргарлик жараёнларида ана шу масалаларга катта эътибор қаратмоқда.

Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда умумий учта гоё асос сифатида олинмоқда: Ижтимоий тенглик ва адолат, Ижтимоий бирдамлик, Ижтимоий демократия.

Партиямиз ушбу мақсадга эришиш йўллари белгилашда, биринчи навбатда, давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий ҳимоясига муҳтож аҳоли қатламнинг манфаатларидан келиб чиқиш зарур, деб билади. Мамлакатнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлашнинг асосий омил, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Партиямиз Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда шу масалага алоҳида эътибор қаратилляпти. Дастур лойиҳаси партия Марказий Кенгашида эксперт ва мутахассислар иштироки-

да бир неча марта чуқур муҳокама этилди. Айни кунларда дастур лойиҳаси барча даражадаги ҳудудий партия ташкилотларида, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги гуруҳларимиз ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тахлилий кўриб чиқилляпти. Шу асосда дастур учун жойлардан таклифлар шакллантириляпти.

Барча партиявий тузилмаларнинг ҳаракатини Сайловолди дастури ижросига йўналтиришга эришишимиз керак. Бунинг учун Сайловолди дастурида аниқ гоё ва вазифалар кўйилиши зарур бўлади. Шун кўзлаб, Сайловолди дастуриимизни янгича ёндашув асосида, «пирамида» шаклида тузишга қарор қилдик. Бунда дастурий гоё ва вазифалар «округ-туман (шаҳар)-вилоят-республика» механизми бўйича шакллантирилади. Биз шу таразда ҳар бир ҳудуд учун энг муҳим муаммо ва масалаларни белгилаб олишни режалаштирганимиз.

Асосий мақсадимиз ўз ҳимоямизга олаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг муаммоларини имкон қадар тўлиқ қамраб олиш, энг муҳими, уларни режали ва тизимли равишда ечиб боришдан иборатдир.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўта расмий кайфиятда, қуруқ тадбирлар ўтказиши кўп қанқид қилинади. Биз йиллар давомида шаклланиб қолган кўникмаларни тез ва қисқа муддатда ўзгартирмасак, сайловчилар эътибори ва ишончини қозона олмаймиз.

Шунинг учун партиямиз кўнчиликини ўйлантириб келаётган, мамлакатимиздаги долзарб ижтимоий масалаларга эътиборни қучайтирди. Маълумки, охириги пайтларда тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган масала «кам таъминланганлик» даражасини белгилаш бўйича аниқ меzonлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бунинг оқибатида ижтимоий нафақаларни белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш жараёнларида қатор чалкашликлар қузатиляпти. Бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Аммо партиямиз шу вақтга қадар ўзининг амалий таклифларини билдирган эмас. Бу борадаги халқро амалиётни ўрганиш бўйича партиямиз ишчи гуруҳини тузиш режалаштирилган.

Шунингдек, яшаш минимуми ва истеъмолат саватчаси каби тамойилларни мамлакатимиз қонунчилигида мустаҳкамлаш вазифаси Сайловолди дастурида назарда тутиляпти.

Яна бир масала олис қишлоқ жойларида мактаб ўқитувчилари, шифокорлар ва бошқа ижтимоий соҳа мутахассисларига эҳтиёж жуда юқорилиги билан боғлиқ. Бу ҳолатда асосий камчилик яхши мутахассислар учун яхши шароит яратилмаганига бориб тақалляпти. Ана шу муаммолар йиғилиб, катталашиб, қишлоқ жойларининг ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатяпти. Бу партиямиз дасту-

рий мақсадларига узвий алоқадор масала. Гарчи турли йиғилиш ва тадбирларда муаммо бир неча бор айтилган бўлса-да, аниқ амалий таклиф берилмаган.

Мутахассислар олис қишлоқ жойларига бориб ишлашни рағбатлантириш, бу борада механизм яратиш ва уни қонун даражасида мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Шу масала юзасидан таклифлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Жамиятимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, бандлиги таъминланиши бўйича қатор муаммолар йиғилиб қолган. Шунингдек, бундай шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларнинг моддий ва молиявий таъминоти аянчли ҳолатда. Очиғи, ушбу масала партиямиз ўтказган турли тадбирларда кўп тилга олинган, лекин биз томондан қатъий ҳаракат сезилмаган. Эслатиб қўйиш, таъкидлаш билан чекланилган. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига бел боғлаган нодавлат но-торжор ташкилотларга давлат субсидияларини ажратиш бўйича таклифлар шакллантириш устида иш олиб бориляпти.

Парламентдаги фракциямиз БМТнинг Но-гиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини илгари суришга тайёрланаяпти. Агар бу амалга ошса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши бўйича қафолатлар мустаҳкамланади, халқро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътибори янада ошади.

«Мурувват», «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйларида истиқомат қилувчилар учун қўлай шароит яратиш бўйича давлат-хусусий шериклиги имкониятларидан фойдаланиш амалиёти жорий этилган. Холбуки, бугун кўплаб давлатларда мазкур йўналишда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланаётгани кузатиляпти. Партиямиз бу йўналиш бўйича тарғибот ишларини қучайтиради.


Юртимизда аҳолини энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири коммунал хизматлар ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ экани сир эмас. Нарх-наво ва тарифларни, шунингдек, коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рентабеллигини белгилаш, бу борада ҳуқуқий асосларни қонун даражасида мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Партиямиз Сайловолди дастурида шу масала бўйича таклифлар назарда тутиляпти.

Ҳаммамизга маълумки, жамиятда ижтимоий тенгликни таъминлашда тиббий хизмат сифатини яхшилаш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу партиямиз учун принципиал масаладир. Шунинг учун Сайловолди дастуриимизга мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар ҳажмини қонуний жиҳатдан белгилаш ҳақида ҳам таклиф киритилляпти.

Хулоса ўрнида шун айтиш керакки, давлат бошқарувини демократлаштириш, бу йилги сайловларда халқимиз манфаатларига мос гоё ва таклифларни олиб чиқиш, айни пайтда улар амалга ошиши учун қатъият билан курашиш, одамларда фуқаролик позициясини қучайтириш масалаларида энг катта масъулият айнан сиёсий партиялар зиммасида турибди. Бу масъулиятга муносиб бўлиш ҳар бир партиядан талабчанлигини оширишни, юқори феоликин талаб этади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



«ҲУМО» ҚАСРИ

Неча юз йиллар айланиб, неча минг йиллар айланиб, Неча юз сахро айланиб, неча минг чўллар айланиб, Неча юз дарё айланиб, неча минг йўллар айланиб, Неча юз кенплар айланиб, неча минг йўллар айланиб, Неча юз юртлар айланиб, неча минг эллар айланиб, Эл бошига кўнди Ҳумо, эл бахтига берди Ҳудо.

Момо Ҳаво сочин ўрган боғларнинг устидан учиб, Одам ато кувё бўлган тоғларнинг устидан учиб, Кўзлар маҳпал зор-интизор чоғларнинг устидан учиб, Эл бошига кўнди Ҳумо, эл бахтига берди Ҳудо.

Рост эврилди, чин эврилди эртаклару афсоналар, Айланайин қароғим бу саодатдан нишоналар, Бўл деганда бўлди шаҳарлару қошоналар, Гумбазлару само бўлди, қўжа етди миноралар, Одамларнинг бахти кўлди, ярқирайди пешоналар,

Рустам МУСУРМОН

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мустақиллик ва масъулият

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоалари, фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди



Шу кунларда халқимиз буюк тарихий сана — Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигини муносиб қутиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда катта тантаналар билан байрам тадбирлари бошлаб юборилган. Хиёбонлар, йўллар бетақдор кўринишда. Ҳамма ёқ ранго-ранг гуллар билан безатилган, одамларнинг юз-қизда ҳаётдан мамнунлик ҳисси барқ уриб турибди. Уларни кўриб кўнгил ярайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, депутатлар, фахрийлар ва «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси пойтахтимиздаги «Зарафшон» ресторанига ана шундай кўтарини кайфиятда кириб боришди. Партия ва тахририят фахрийлари билан бирга бир пиёла чой устида байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирни партия Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятлов кириш сўзи билан очиб, партиямиз фахрийлари ва фаолларни мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами билан муборакбод этди.

Мустақиллик — энг улғу, энг азиз байрамимиз. Бу кун халқимиз асрлар оша оруз қилган, бизни эрк, озодлик билан сийлаган, қадримизни, қаддимизни тиклаган мўътабар кундир. Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда шаҳар ва қишлоқларимизда катта янгиланиш ва ўзгаришлар бўлди, уларнинг қиёфаси тобора очилиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалди.

Келинг, узок эмас, яқин йилларни олиб қарайлик. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ислохотларимизни янги босқичга кўтариш, халқимиз турмуш даражасини янада оширишга кенг йўл очди.

«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган олижаноб тамойилларга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизими йўлга қўйилди. Аҳоли билан доимий ва очик мулоқот ўтказиладиган муаммоларни жойида ҳал этишга хизмат қилмоқда. Бундай тадбирлар партиямиз тизимида ҳам изчил ташкил этиляпти. Шу тариқа электратни ўйлантириб келаётган масалалар аниқланиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Бундай эзгу ишлар, кенг қўламли ислохотлар ҳақида узок гапириш мумкин. Энг муҳими, одам-

ларимиз уларнинг самарасини ўз ҳаёти мисолида кўриб, ҳис қилиб турибди. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда юртдошларимиз қалбид кувонч, ҳаяжон жўш урмоқда.

Тадбирда «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири Сафар Остонов сўзга чиқди ва газетанинг 100 йиллик тарихи, унда турли йилларда меҳнат қилган давлат ва жамоат арбоблари, халқимиз суйган ижодкорлар ва журналистлар, матбуот соҳаси фидойилари ҳақида тўхтади. Халқ демократик партияси гоғларини тарғиб қилиш, ташаббуслари ҳамда амалий ишларини кенг жамоатчиликка етказишда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари фаолияти муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Мустақиллик моҳиятини теран англаш катта мақсадлар йўлида янада бirlaшиб, интилиб яшашга ундайди, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нигмат Эшметова. — Мустақиллик имкониятлари, неъматлар ҳақида узок гапириш мумкин. Биргина сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида олиб бориладиган ислохотларга назар ташлайлик. Давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли қучайди. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Бу йилги сайловларда имкон қадар кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритишимиз, шу орқали дастурий мақсадларимизни амалга оширишимиз зарур.

Сўзга чиққанлар мустақиллиكنинг аҳамияти, қадрини улуғлаб, Ватан озодлиги не-не машаққатлар эвазига қўлга киритилганини, ҳар биримиз фидойи бўлсак, юртимизда ютуқлар кўпайишини ҳаёт мисоллар орқали гапириб беришди.

Байрам тантаналарида ана юртимиз, истиқлолимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Фаолларга, фахрийларга ЎзХДП Марказий Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Аҳборот хизмати.

Биз йиллар давомида шаклланиб қолган кўникмаларни тез ва қисқа муддатда ўзгартирмасак, сайловчилар эътибори ва ишончини қозона олмаймиз.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА САЙЁР ҚАБУЛ

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Партиянинг жамиятдаги таъсир кучи, обрў-эътибори Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига боғлиқ. Чунки қуруқ сўзлар, ваъдалар, баландпарвоз шиорлар билан мавқега эришиб бўлмайди. Ҳар бир айтилган гапнинг устидан чиқилса, берилган ваъда бажарилсагина, одамлар партияга ишонади, суянади. Бунга эришиш учун аввало, сайловчилар, электорат вакилларни ташвишлаган масалалардан хабардор бўлиш талаб этилади. Бунда аҳоли билан юзма-юз мулоқотларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган аҳоли билан очик мулоқотларнинг навбатдагиси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтказилди.

«Дўмалоқ» қишлоғида «Истиқлол» маданият марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Бўстонлиқ туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара» мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Унда тумандаги Алғабас, Байтерак, Гулобод, Қорабой, Хўжа, Қўшқўрғон каби 10 га яқин маҳалла, шунингдек, Ғазалкент шаҳридаги Дахана, Наврўз маҳаллаларида яшовчи фуқаролар муножаатлари тинланди.

— Бундай мулоқотларнинг аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ечишда аҳамияти катта, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Сайёра Файзиёва. — Жонли суҳбатлар давомида муаммонинг асл илдизи ойдинлашди, ортиқча оворагарчиликларсиз у ёки бу масалага дахлдор янги ва қўшимча маълумотларни аниқлаштириб олиш имконияти катта бўлади. Яна бир аҳамиятли томони, аҳоли билан очик мулоқотлар мобайнида одамларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга қўмаклашиш билан бирга уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганимиз, таклиф ва тавсияларини ҳам оламиз...

Муножаатларни тахлил қилганда, уларнинг аксарияти ижти-

мой масалаларни қамраб олгани маълум бўлмоқда. Масалан, аҳолини тоза ичимлик суви, уй-жой билан таъминлаш, йўлларни таъмирлаш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш, болани боғчага жойлаштириш билан боғлиқ масалаларда кўплаб муножаатлар бўлмоқда.

Биз аҳоли муаммолари бўйича доимий тахлил олиб бориш, шу асосда бир-бирига ўхшаш ва кўп учраётган масалаларни маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига киритиш бўйича чоралар белгиладик. Бу тажриба электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни комплекс равишда ҳал этишга хизмат қилад.

Очик мулоқотда тумандаги қорхона ва ташкилотлар вакиллари алоҳида секцияларда аҳоли муножаатларини қабул қилиб, муаммоларни ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича чуқур тахлил асосида ўрганишди. Ҳудудлардаги ижтимоий муҳитни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

— Албатта, гап инсон манфаати, ҳаёти ва тақдир ҳақида кетганда, унга эътиборсиз қарашга ҳеч

Муносабат

МЎЙНОҚДА МЎЪЖИЗА РЎЙ БЕРМОҚДА

«Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа

қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин»

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифини юртдошларимиз катта ҳаяжон ва қувонч билан кутишади. Чунки Президентимизнинг таклифи ва ташаббуси билан янги тарихий ишлар бошланади. Республика иқтисодийтини ривожлантиришга, аҳоли тур-

муш даражасини янада яхшилашга хизмат қиладиган лойиҳаларга асос солинади. Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга навбатдаги ташрифидан сўнг жамоатчиликнинг фикри билан қизиқдик.



Бибиян ОРОЛБОВА,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мўйноқ туманидаги балиқ комбинатининг янгидан очилиши барчамизни қувонтирди. Қўллаб-ёшташимиз ишли бўлди. Олдинлари шу комбинат орқасидан қанчадан-қанча одамларимиз ўз оиласини боққан, фарзандларини вояга етказган. Эсимда, онам шу комбинатда ишлар эди. Гоҳида мени ҳам ишга бирга олиб келарди. Корхона ёпилган, қўллаб-ёшташлар ишсиз қолди. Мана, заводнинг қайтадан ишга туширилиши ҳаммамизни руҳлантирди.

Буюк шoirимиз Ибройим Юсупов айтганидек, «Бугун Мўйноққа тўй». Бу катта имкониятлар, янгиланишлар, аҳолининг турмуш тарзига фойда-барока киритадиган тўй.



Бўрибой ДАВЛАТМУРОДОВ,
муҳандис-металлург, техника
фанлари доктори:

— Металлургия — илм ва техниканинг бир бўлаги, яъни металлларни рудадан ажратиб олиш ва уларни қайта ишлаш тизими. Руда эса таркибида маълум миқдорда қора ёки рангли металллар бор қон тошлар. Ер юзининг ҳамма жойида рудаси бор қон топилавермайди. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида Тебинбулоқ қонининг топилиши қон-металлургия комплексини қуриш зарурлигини кўрсатди. Бугунги кунда комплекс-

нинг қурилиши, темир олишнинг янги технологияларининг пайдо бўлиши — Ўзбекистон халқининг бахти, насибаси. Олимларнинг маълумотларига қўра, Тебинбулоқ қони рудаси таркибини қора металл ташкил этади, унинг таркиби 16-18 фоиз темир моддаси (элементи) бор тошлардан иборат. Бизнинг саноатда, машинасозликда, асбобсозликда темир бирикмалари, айниқса, темир бирикмалари ичда пўлат, легирланган пўлат кўп қўлланилади. Маълумотларга қараганда, Тебинбулоқ қонининг хомашё захираси 1,1 миллиард тонна. Тебинбулоқ қон-металлургия комплекси қурилиши лойиҳа бўйича 1,75 миллиард долларни ташкил этади. Бу қон-металлургия комплекси катта қувватга эга бўлиб, ҳисоб-китоблар бўйича йилга 33 миллион тонна темир руда қазиб олинади.

33 миллион тонна темир рудасидан 1,5 миллион тонна темир олинади, яъни темирни олиш технологияси оғир кечади. Бугунги кунда дунё миқёсда темир олиш технологияси ривожлангани билан ҳеч бир давлат технологияси соф ҳолда юз фоиз тоза темир олиш даражасига етгани йўқ. Аслида соф темир мўрт бўлади. Шунинг учун ҳам саноатда, машинасозликда темир бирикмалари,

айниқса пўлат, легирланган пўлат кўп қўлланилади. Ана шу бирикмалардан қон-металлургия комплекси йилга 900 минг тонна арматура, 225 минг тонна сим, 375 минг тонна уголок, швеллер ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу кўп миқдордаги импорт ўрнини тўлдириб, саноатни доимий ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ерда 2 мингдан зиёд киши ишлайди. Маҳсулотларнинг 35 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган. Бу дегани, мамлакат ички бозорини Тебинбулоқ қони маҳсулотлари яқин 40-50 йил давомида тўлиқ таъминлайди. 35-40 фоиз маҳсулотни ташқи бозорга сотиш имкониятига эга бўлади.

Комплекста шартли равишда илмий лабораториялар ташкил этилади ва олинган хомашёнинг физика-химий, механик хусусиятлари таҳлилдан ўтказилиб борилади. Чунки бу ерда тайёрланган маҳсулот ички ва ташқи бозорга сотилганида, унинг метрикасида физика-химий, механик хусусиятлари, маҳсулот таркиби, зичлиги, мустаҳкамлиги ва бошқа параметрлар келтирилиши шарт. Лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш ишларига Германиянинг «DMT-Group Consulting» ва Австриянинг «Hofst Wiesinger Consulting» корхоналари жалб этилган.

«Қорақалпоқ адабиёти» газетасига Мўйноқ, Орол мавзусига бағишланган қўллаб-ёшташ асарлар келаятигини ҳам билиш мумкин. Демак, Мўйноққа бўлаётган ўзгаришлардан бутун Ўзбекистон халқи руҳланмоқда, илҳомланмоқда.

Қорақалпоғистон катта имкониятлар юрти. Бу имкониятлардан режа билан, мақсадли фойдалансақ, иқтисодимиз янада ривожланади.

Нукусда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида давлатимиз раҳбари бир қатор масалаларни уртага қўйди. Муаммолар ечимига аниқ тақлифлар билдирилди ва тегишли вазифалар белгиланди. Буларнинг ҳаммаси қорақалпоғистонликларнинг эртанги куни бундан ҳам обод, янада фаровон бўлиши учун хизмат қилади.

Йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди. Жумладан, Қораўзак тумани қурилиш материаллари, Беруний, Хўжайли, Нукус туманлари мевасазавотчилик, Тахтақўпри чорвачилик, Шуманай паррандачилик, Эллиққалъа узумчилик ва туризм, Мўйноқ балиқчилик ва чорвачилик, Кегейли чорвачилик, қизилмийани қайта ишлаш ва қозғ саноати, Қонлиқўл тумани дуққалиқ экинлар ва шолі етиштиришга ихтисослаштирилиши қайд этилди.

Қўнғирот туманининг нефть-кимё саноати ва чорвачиликка, Чимбойни қизилмийа етиштириш ва қайта ишлашга, Тўртқўпри шимши, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё туманини бодорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳрини эса фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштириб, Тахиятош туманини

саноат ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистонда илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризмни ривожлантиришнинг ҳам янги истиқболлари белгилаб берилди.

«Катта-катта иморатлар, замонавий техника билан мактабни керак эмас. Ақлли, билимли, фидойи фарзандларни тарбияласак, улар Ватанга садоқат билан хизмат қилса, энг катта бойлик, бахт мана шундир», деди давлатимиз раҳбари.

Айниқса, Президентимизнинг «Қорақалпоғистонда ҳамма соҳада ўзгариш бўлаётти. Бунинг замирида шу заминда яшаётган буюк халқнинг меҳнати, интилишлари мўжжасам. Сизлар билан биргаликда катта ҳаракат бошладик. Ҳар бир ҳудуднинг дардини ўрғанайлик, ҳар бир инсоннинг қалбига кириб бораёйлик, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайлик, деб чўқур ислохотларни амалга ошираёмиш. Одамлар эртанга эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак», деган сўзлари ҳаммамнинг кўнглини кўтарди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзида Қорақалпоғистон дийрига бўлган меҳри дараёнда тошиб турганлигини халқимиз чин дилдан ҳис қилмоқда. Ташриф доирасида белгилаб берилган устувор вазифалар барча соҳаларда янги мақсадларнинг амалга ошириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шакл-шубҳасиздир.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонни, Мўйноқни ривожлантириш борасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари, улар асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар қорақалпоғистонликларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

электр энергетикаси соҳасидаги асосий вазифа — истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Шу боис юртимиздаги мавжуд электр станциялари ва тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, юқори самарали энергия ишлаб чиқариш технологияларига асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ёқилиш-энергетика ресурсларини диверсификация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Тахиятош ИЭСда иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги Тахиятош ИЭСда ҳар бирининг қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳасини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи давомида ана шу инвестицион лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Лойиҳа Жанубий Кореянинг «Hyundai Engineering Co. Ltd.» ҳамда «Hyundai Engineering & Construction Co. Ltd.» компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилиб, умумий қуввати 566 МВт, умумий қиймати эса 678,2 миллион долларни ташкил этади. Ло-

йиҳа тўлиқ ишга туширилгач, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуксиз электр энергияси билан тўлиқ таъминлайди. Бу лойиҳа 488,6 миллион метр куб табиий газнинг тежалишига олиб келади. Станциянинг умумий қуввати 730 МВтдан 1003 МВтга ошади. Шунингдек, йиллик сув сарфи 293 миллион метр кубга камаюди ва йилга 159 миллион метр кубни ташкил этади. 1 кВт х соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғи миқдори 170,63 гр/кВт х соатга камаюди.

Станциянинг фойдали иш коэффициентини 30 дан 51,5 фоизга ошади. Бу жуда катта натижа. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 миллиард кВт х соат ва йиллик иссиқлик ишлаб чиқариш ҳажми эса 139 минг гкалория. Лойиҳа амалга ошган, 97 янги иш ўрни яратилди.

Тахиятош иссиқлик электр станциясида қуввати 283 Мегаватт бўлган биринчи навбат буғ-газ ускунаси жорий йилнинг ноябрь ойида, худди шундай қувватга эга иккинчи ускуна эса 2020 йилда ишга туширилади. Айни пайтда 85 фоиз ишлар бажарилган. Қурилиш-монтаж, ускуналарни ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири
МИНАЖАТДИН ҚУТЛИМУРАТОВ
тайёрлади.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



Сергели тумани «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 30 гектар майдонда 3 минг 696 та хонадонни ўз ичига олган 66 та 7 қаватли замонавий уй-жой қурилди. Тошкент шаҳридаги уй-жойга жуда муҳтож, оғир вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бор фуқаролар, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз аёллардан 450 нафарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги илмий-текшириш институтлари ҳамда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот олиб бораётган 50 нафар ёш олимлар оилаларига — жами 500 нафар фуқарога Сергели туманининг «Чоштепа» массивидан уй-жойлар Президент совғаси сифатида берилди.

МАКТАБ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ўқитувчига эътибор миллат ва ватан келажасига эътибордир



Абдуғаффор ҚИРГИЗБОВ,
Олий Махлис Қонунчилик
палатасининг
Фан, таълим, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси
раиси:

Мамлакатнинг эртанги тараққиёти бугун болалар бончаларида, мактабларда ёки олий ўқув юртиларида фарзандларимизга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқдир. Бу масала эса ўқитувчиларимиздан чўқур билим, маҳорат ва фидойиликни талаб этади.

Президентимиз ўқитувчининг обрў-эътибори ва нуфузини янада ошириш, мактабларимиз ва мактабга, таълим муассасалари фаолиятини яхшилашга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида қимматли фикрларни билдирди.

Мамлакатимизда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, аммо ҳаёт талабидан келиб чиқиб фикрласак, ечимни кутаётган масалалар оз эмаслигини англаймиз. Масалан, ўқитувчига бўлган муносабат, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмун ва сифати, ота-онанинг бола тарбиясидаги масъулияти билан боғлиқ муаммолар кишини ўйга толдиради. Бугун мамлакатимиз аҳолиси 33,5 миллиондан орти, унинг 60 фоиздан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу катта бойлик, катта имконият. Уни кўз қорачиқдек асраш, баркамол авлод этиб тарбиялаш осон иш эмас. Шу боис Президентимиз бу масалани давлатнинг энг муҳим вазифаси даражасида қўймоқда. Мамлакатимизда ёшларимизнинг чўқур билим олиши, ўз салоҳиятини кўрсатиш қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, бугунги кунда мактаб ёшидаги болаларнинг 40 фоизи мактабга таълим муассасаларига қамраб олинган ва бу кўрсаткични яқин йиллар ичда 70-80 фоизга кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Мактабга таълим муассасаларида бугунги кунда тарбияланаётган 1 миллиондан ортиқроқ болажонларимизга 80 мингдан кўпроқ тарбиячи ва педагог таълим-тарбия бермоқда. Умумтаълим мактабларимизда ҳам ислохотлар жадаллик билан олиб борилаётган, ота-оналар ва халқимизнинг хоҳиш ва истаклари асосида тизимда 11 йиллик ўқиш қайтадан жорий этилди, мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда ўн мингга яқин мактабда таҳсил олаётган 6 миллион 300 мингдан кўпроқ ёшларимизга 420 мингдан зиёд ўқитувчи-мураббийлар таълим-тарбия бераёттир. Шунингдек, 111 та олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган 20 та хорижий мам-

лакат олий ўқув юртиларидаги 400 мингга яқин бакалавр ва магистрларимизга 27 минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи сабоқ бермоқда. Эътибор билан қаралса, мамлакатимиз аҳолисининг салкам 8 миллион нафари таълим тизимининг қайсидир йўналишида таҳсил олмақда ёки таълим-тарбия ишларини олиб бормоқда. Сўнгги йилларда таълим тизими ва мазкур соҳада хизмат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар меҳнатини қадрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ойлик маошлари бир неча баробар оширилди, моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мактабга таълим муассасалари сони кескин ортиб бормоқда, мактабларимизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, олий ўқув юртиларининг имкониятлари кенгайтирилмоқда, давлат муассасалари билан бир қаторда нодавлат мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари ташкил этилмоқда.

Яна бир муҳим масала бу — ўқитувчилар барча қишлоқ ҳўжалиқ ишларидан, турли ҳашарлардан, кераги йўқ йиғилишлардан озод қилинган бўлди. Бироқ таълим тизимида яна қўллаб-йўшларнинг амалга оширилиши лозимлиги давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилди. Жумладан, таълим тизимига малакали кадрлар тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш, ёшлар ва маънавият бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди. Энг асосийси, маҳаллий ҳокимият мутасаддиларининг соҳага муносабатини кескин ўзгартариш, барча ҳокимлар ва вазирлар ҳафталиқа бир-икки мартаба мактабларга бориб, машғулотлар олиб боришлари талаби қўйилди. Ҳар бир сектор раҳбари ўз секторларидаги мактаблар фаолиятига шахсан жавоб бериши, мактабларнинг ҳўжалиқ ва қурилиш ишларига халқ таълими тизими мутасаддилари эмас, балки ҳокимиятлар жавоб бериши лозимлиги бўйича аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Ўқитувчи асосий эътиборини ўз устида ишлашга қаратиши лозимлиги ўқитилди. Президентимиз, айниқса, ёш авлодга маънавий тарбия бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканига алоҳида тўхталди. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятига эътибор қаратди. Айрим олий ўқув юртиларида порахўрлик ва таъдйи жиноятларга қарши муросасиз курашиш лозимлиги тўғрисида қўйилиб гапирди. Ҳақиқатан ҳам, бугун таълим тизимига шундай катта эътибор қаратилмаётган бир шароитда бирорта ҳам ўқитувчи бошқа ишларга жалб этилмай, ўқитувчилар олийлиқлари кўтарилиб, доцент ва профессорлар маошлари тўрт-беш баробар оширилган бир пайтда порахўрлик қилишни жамиятта ҳиёнат, деб баҳоламоқ тўғри бўлади.

Бугун дунёнинг ривожланган мамлакатлари тарихига назар солсак, улар таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан ривожлантирилгани, қонунларга қатъий амал қилинган туфайли юксалганини кўраемиз. Президентимиз таълим тизимига бу қадар катта эътибор бераётгани сабабини англаймиз. Чунки бизнинг ҳаёт-мамлатимиз, эртанги кунимиз, ватанимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдек буюк орузимиз таълим тизимидagi ишларимиз савиясига боғлиқдир.



Жангабай ЮСУПОВ,
Мўйноқ тумани «Нуроний»
жамғармаси раиси, ЎзХДП
аъзоси:

— Мўйноқ кун сайин ўзгача қиёфа касб этмоқда. Айниқса, сўнгги икки-уч йил ичида, айтса, бири-биридан қувончли воқеалар юз берди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилги ташрифи давомида берилган қўрсатмалар асосида ҳукуматнинг Мўйноқ туманини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унда 2019 — 2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган эди.

Қиска вақт ичида туман марказида басейн, мусика ва санъат мактаби, тиббиёт маскани, 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари маркази, маданият маркази ва стадион қурилди. «Бозатау» овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди.


Ҳозирги пайтда 20 та қўп қаватли уй-жой қурилмоқда. Шу йилнинг июль ойида «Мўйноқ порлоқ текс» масъулияти чекланган жамияти томонидан тикувчилик корхонаси ишга туширилди ва 350 та иш ўрни яратилди.

Замонавий машиналар ўрнатилган мазкур корхона йилига бир миллион донга тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирда чойшаб ва кўрпа жилдлари, махсус иш формалари тикилмоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси мажлисида дунё ахлининг эътиборини Оролга қарата олди. Денгизнинг қуриган тубидига беш юз минг гектардан ортиқ ерга саксовул экилди ва бу ишлар ҳали давом этмоқда. Яна 700 минг гектар ер қўқаламзор оазисга айлантирилади. Буларнинг ҳаммаси бизнинг саломамлигимиз учун, халқимизнинг яхши яшаши учун қилинмоқда.

Президентимиз шундай деди: «Мўйноқдаги ўзгаришларни, сизларнинг қўларингиздаги қувончни кўриб, жуда хурсандман. Бу — узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижаси. Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин». Дарҳақиқат, марҳамат, келсин, кўрсин. Бу ерда мўъжиза рўй бермоқда.

Олиб борилаётган бугунги бунёдкорлик ишларини, айниқса, биз, нуронийлар жуда ҳам қадрлаймиз. Фарзандларимизнинг эртанги ҳаётидан кўнглимиз хотиржам бўлмоқда.



Фахратдин ХАЛИЛЛАЕВ,
«Тахиятош иссиқлик электр
станцияси» акциядорлик
жамияти Бош директори,
ЎзХДПдан Қорақалпоғистон
Республикаси Жуқорғи Кенгеси
депутати:

— Бугунги ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Электр станцияларига бўлган талаб эса кун сайин ортиб бормоқда. Тахиятош иссиқлик электр станциясига 1961 йил асос солинган. Ҳозирги пайтда электр тармоқлари республикамизнинг барча жойларига тўлиқ етиб борган ва олис қишлоқларимиз ҳам электр билан таъминланган. Бугунги кунда мамлакатимизда

Ҳар бирининг 2-3 нафардан ёки 6 ва 8 нафаргача фарзанди бор, ҳаммаси узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилган...

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН НАМУНАСИ

Узоқ йилдан бери қamoқда ётган ўн нафар аёл жазодан муддатидан олдин озод қилинди

МЕҲР-МУРУВВАТ

Қадим бир ҳақиқат бор: «Ҳар бир халқнинг маданий даражаси, аввало, аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади».

Халқимиз азал-азалдан аёлларни — оналарни, опа-сингилларни эъзозлаб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Бу олижаноб фазилатлар мустақиллик йилларида янада юксак босқичларга кўтарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало, оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир», деган ғояси асосида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этишига эришиш, бир сўз билан айтганда, мунис ва мўътабар опа-сингилларимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган тарихий ислохотлар амалга оширилаётганини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик ва бағрикенгликка йўғрилган адолатли сиёсати туфайли турли хил сабаблар билан тўғри йўлдан адашиб, жиноятга қўл урган, аммо хатосини тушуниб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган аёлларга инсонпарварлик кўрсатилиб, улар жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиниб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтарилмоқда.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда 2018 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ўртасида имзоланган Меморандум ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур Меморандум доирасида жорий йилнинг ўтган олти ойида жазони ўташ муассасаларида жазо ўтаётган 227 нафар

аёлнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилди, 51 нафар аёл жазони ўташдан шартли озод қилинди, 131 нафар аёлга Хотин-қизлар кўмитаси кафилиги асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Халқимизни қарамликдан қутқазиб, эркинлигини берган, ҳуқуқларини тиклаган давлатимиз Мустақиллигининг 28 йиллиғи арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтказилган очиқ суд мажлисида жазони ўташ муассасасида жазони ўтаётган 11 нафар аёлнинг назорат тартибида берган шикоят аризаси кўриб чиқилди.

Турдиева Гулсалал, 1956 йил 15 декабрда Самарқанд вилоятида туғилган, 8 нафар фарзанди бор, 10 йил 4 ой жазо ўтаган, жиноят ишлари бўйича Ўзғут туман судининг 2009 йил 19 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Абдурасулова Ҳамробону, 1954 йил 19 майда Самарқанд вилоятида туғилган, 6 нафар фарзанди бор, 8 йил 8 ой жазо ўтаган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2011 йил 2 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва бошқа моддалар билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ахророва Дилфуза, 1968 йил 30 январда Тошкент вилоятида туғилган, 4 нафар фарзанди бор, 10 йил 1 ой жазо ўтаган, жиноят ишлари бўйича Яқкасарой туман судининг 2010 йил 27 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 12



йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Зиёева Ҳурматой, 1967 йил 27 октябрда Сурхондарё вилоятида туғилган, 3 нафар фарзанди бор, 11 йил 5 ой жазо ўтаган, жиноят ишлари бўйича Ўзғут туман судининг 2008 йил 9 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 25,28,246-моддасининг 2-қисми ва бошқа моддалари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Аннакаева Гулнабат, 1957 йилда Қорақалпоғистон Республи-

касида туғилган, 5 нафар фарзанди бор, 9 йил 3 ой жазо ўтаган, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2011 йил 9 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми ва бошқа моддалари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Эътибор беринг, буларнинг ҳаммаси — аёл, ҳар бирининг икки-уч нафардан олти ёки саккиз нафаргача фарзанди бор, ҳаммаси узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Тасаввур қилинг, 5 яшар

бола онаси қamoқдан қайтганда 15-16 ёшга тулган бўлади, яъни вояга етган, характери шаклланиб улгурган, ўрта мактабни тугатган бўлади. Онасиз ўсган боланинг тарбиясига ким кафолат бера олади? Киши бир кунини бекор ўтказса, ачинади, ўзидан норози бўлади. Энди оилани, фарзандларини доғда қолдириб, йиллаб, қamoқда умр ўтказиш нималигини ўйлаб кўрайлик...

Олий суд раисининг ўринбосари Х.Ёдоров раислигида ўтган очиқ суд мажлисида бу маҳкума аёллар тайинланган жазонинг асосий қисmini ўтагани, қилмишига чин дилдан пушаймонлиги, ёши ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг кафолат хати инобатга олиниб, муддатидан олдин озод қилинди, оиласи бағрига қайтарилди.

Бир нафар маҳкума аёлнинг жазо муддати қисқартирилди.

— Қувончимни сўз билан ифода-лаб беролмайман, — дейди Гулбаҳор Ёқубова. — Олти нафар фарзандим бор. Жазони ўташ даврида кўп ўйладим, минг пушаймон бўлдим. Оиламни, болаларимни соғиниб кечалари йиғлаб чиқардим. Бугун ҳаётга енгил-епли қараётган аёллар бўлса, уларга айтмоқчиман: ҳеч қачон ўйламай қадам босманг. Озодлиқнинг қадрига етинг...

Бундай фикрларни бу аёлларнинг ҳар биридан эшитиш мумкин. Улар йиллаб қamoқда ётган, шундай хулосага келишди. Афсуски, ҳаётларининг бир қисми қamoқда ўтди, соғлиқларини йўқотишди. Энг даҳшатлиси, фарзандлари, ақинларини уятга қолдиришди, уларнинг кўз ёшларини тўкишди... Кишининг кўзи очилиши учун қamoқда ўтириб қиши шарт эмас. Бу аёллар қисмати бошқаларга сабоқ бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозир мамлакатимизда беқиёс инсонпарварлик сиёсати юритилмоқда, адашганларга бағрикенглик кўрсатишмоқда. Кечирини, амнистия қўллаш ёки авф этиш кишига озодлик бериш билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Буни унутмаган қайта адашмайди, жиноят кўчасига кирмайди...

Ўз мухбиримиз.

Сўраган эдингиз...

Президент мактабларига кира олмаган номзодлар қайси ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиши мумкин?



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма қарори билан Президент мактабларининг асосий имтиҳонларида иштирок этган, юқори балл йиғиб, ўқишга қабул қилинмаган номзодларни имтиҳонсиз, қўшимча квота асосида қабул қилувчи ихтисослаштирилган таълим муассасалари рўйхати тасдиқланди.

Ушбу рўйхатга Қорақалпоғистон Республикасида 11 та, Наманган вилоятида 20 та, Хоразм вилоятида 20 та ва Тошкент бўлимида 14 та ихтисослаштирилган мактаблар киритилган.

Мазкур мактабларда Президент мактабларининг 5- ва 7-синфда ўқиш истагини билдирган ва асосий имтиҳонларда 25-ўриндан бошлаб, энг юқори натижа кўрсатган ўқувчилар баллар кетмакетлигида, қўшимча квота асосида ўрнатилган тартибда ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари қўшимча квота асосида 1100 нафар ўқувчини 5-синфга ва 525 нафарини 7-синфга ўқишга қабул қилади.

Ота-оналар ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlарига мурожаат этишлари мумкин. Шу билан бирга, мактаб вакиллари ҳам ота-оналар билан боғланади.

Мен ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчиман. Янги ўқув йилидан мактаб раҳбари мен билан меҳнат шартномасини тузмаслигини маълум қилди. Ўрта махсус маълумотли кадрлар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай олмайдими?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 30 июлдаги 14/1-4141-рақам билан тасдиқланган «Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар ўрнини босқичма-босқич олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлдирishга қаратилган комплекс чора-тадбирлар Дастури»да ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг кундузги, кечки ва сиртки йўналишларида ўқишга йўналтириш, 2030 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида фақат олий маълумотли педагоглар фаолият юритишига эришиш кўзда тутилган.

Мазкур дастур асосида ўрта махсус маълумотли (дипломда ўқитувчи мутахассислиги қайд қилинган) ўқитувчилар 2025 йилгача умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс бериш имкониятига эга.

Ўрта махсус маълумотли пенсия ёшидаги ўқитувчилар ҳамда номутахассислиги билан тузилган меҳнат шартномалари 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади.

Умумтаълим мактабларида янги ўқув йили қачон бошланади?



Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида янги ўқув йили 2019 йилнинг 4 сентябридан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги «2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Мустақиллик байрами муносабати билан 31 августдан 3 сентябргача дам олиш кунлари деб белгиланган.

Шу муносабат билан, умумтаълим мактабларида янги 2019-2020 ўқув йили 4 сентябрдан бошланади.

Халқ таълими вазирлигининг телеграмдаги расмий канали.

МАЪНАВИЯТ

Пойтахтимиздаги «Китоб олами» мажмуасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Ёшлар кутубхонаси» лойиҳаси доирасида чоп этилган янги китоблар тақдими бўлиб ўтди.

БЕМИННАТ УСТОЗ

Нашрдан чиққан китоблар орасида ўзбек халқ эпосларидан тортиб, классик адабиёти намуналари ўрин эгаллайди. Айниқса, Абдулла Қодирий, Пириқул Қодиров, Ғафур Ғулом Ойбек, жаҳон адабиётидан Гёте, Стендаль, Эрнест Хемингуэй, Антон Чехов, Чингиз Айтматов каби улуг адибларнинг асарлари борлиги барчани бирдек қувонтирди. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари инглиз тилида чоп этилгани муҳим воқеа бўлганлиги таъкидланди.

— Китобни шунчаки эрмак учун ўқиш хато ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Маркази раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев. — Китоб муталааси тафаккур ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайдиган қудратли куч. Ўқишдан мақсад эса албатта унга сингдирилган маъно-мазмунни қалбдан ҳис қилиш ҳамда бу орқали маънан озукчага эга бўлишдир.

Тадбир давомида китоб ўқишни тарғиб этувчи ролик ва 12 номдаги китобга ишланган трейлер номойиш этилди. Шунингдек, китобхонлиқни тарғиб этувчи қўшиқлар қуйланди, шеърхонлиқлар бўлди.

— Одамнинг маданий савияси қанча китоб ўқигани билан эмас, балки китоб ўқиш жараёнида нималарни ўқиб олгани билан ўлчанади, — дейди «Ёш китобхон» танловининг 25-30 ёшлар ўртасидаги республика босқичи ғолиби Шоҳсанам Холбоева. — Албатта, сиз ўқийдиган китобингизни авваламбор ҳис қила олишингиз керак, унинг бош қаҳрамони ўзингиз бўласиз. Шунда китобнинг ўқиш-мазмини қандайлигини тушунасиз. Шунчаки кўз югуртириб ўқиб бизни марказида эришиб бўлмайди. Мисол учун, Хайриддин Султоннинг «Кўнгил озодадур» асарини жуда яхши кўраман. Айниқса, Ғулом образи менинг характеримни намоян этади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи фалсафаси билан инсоннинг руҳиятига қаттиқ таъсир ўтказади.

— Бундай тадбирда таниқли муаллифлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашиш имкони борлиги бизни хурсанд этади, — дейди актёр Расулхон Қодирхонов. — Қолаверса, тадбир жуда кўтаринки руҳда ўтди. Китоб яхши дўст, яхши ҳимоячи, яхши йўлбошич ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар лойиҳа доирасида чоп этилган китобларнинг 12 фоизини мумтоз адабиёт, 30 фоизини жаҳон адабиёти, 16 фоизини болалар адабиёти, 40 фоизини замонавий адабиёт ташкил этади. Тақдимот давомида «Бир юз бир» номли асарини нашр қилдирган ёзувчи Анвар Эргашев ва Юлия Медведовская ҳам иштирок этишди. Тақдимот сўнгида меҳмонларга китоблар жамланмаси совға сифатида тақдим этилди.

Умида НИШОНОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети талабаси.

КИТОБ ҚАДРИ



Бошланғич синфда ўқийдиган набирамнинг туғилган кунини қанчалашганида совға танлашга ўйланиб қолдим. Кичкинтойларга энг зўри ўйинчоқ-да, дедим тўғри хулоса чиқаргандек. Фурсат ўтган, фикрим ўзгарди. Қатор дўконларни айланиб, қалингина, расмлари бор ўзбек халқ эртаклари тўпламини сотиб олдим.

Набирам китобни қўлидан қўймай, варақлашга тушди. Жигарбандимга совғам ёққанидан кўнглим ёришди. Кичкинтойни китобхонликка бошлаганимдан мен ҳам хурсанд бўлдим. Ҳар оқшом: «Бобожон, эртак ўқиб берайми», деганида жон-дилим билан қулоқ тутаман.

Болалигимизда китобларга қизиқи-

шимиз кўз ўнгимдан ўтади. Акам китоб ўқишга ўч эди. Тошкентга борди, дегунча бир қучоқ янги нашр этилган китоблар билан қайтарди, бизга ҳам илिनарди.

Ёз оқшомларидан бирида акамни қўришга Бўзга бордим, сўрашдик. — Қани, тезроқ чойингни ич, — деди акам менга. — Тўланбой (Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низоом кўзда тутиляпти) акамларниқига Тошкентдан меҳмонлар келган, суҳбатлашгани чиқамиз.

Тўланбой аканиқига бир гуруҳ адабиёт ахли келган экан. То тонггача суҳбат қизигандан-қизиди. Кетар чоғида меҳмонлар бизга ўз китобларини дастхат билан тақдим этишди. Ушанда жуда хурсанд бўлганман.

Шаҳрихондаги қўшимиз Набижон ака Муталибов оддий ишчи. Китоб ўқишда унча-мунча ижодкорни ортада қолдиради. Ҳар гал қўришганимизда: — Фалончи ёзувчининг янги китобини кўрдингизми? — деб сўрайди.

Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасида яшовчи Хуршидаҳон ва Дипшодбек Ёқубовлар ўн ёшли ўғли Муҳаммадсалим билан өтти ёшли қизи Зебони Андижон шаҳри марказидаги Муҳаммад Юсуф номли болалар кутубхонасига ҳар ҳафтада икки кун олиб боришади. Уларга қойил қолмай илож йўқ.

Қўргонтепа туманининг Озод қишлоғида Маърифатхон Хусановани ҳамма «кутубхоначи опа» дейди. — Отам Абдуқодир Хусанов кўп китоб ўқиган зиёли инсон эди, — дейди Маърифатхон опа. — Иккинчи жаҳон урушидан кейин кутубхона ташкил қилди. Бу зиё маскани ҳозиргача фаолият кўрсатапти. Отамдан 12 мингта китоб, бой тажриба мерос бўлиб қолди.

— Кутубхона бебаҳо бойлик, — дейди физика-математика фанлари доктори, профессор, академик Сирожиiddин Зайнобиддинов. — Ҳар кун соатлаб китоб ўқийман, шундан ҳузур қиламан. Фарзандларим, набираларим, шогирдларим ҳам менинг кутубхонамдан баҳраманд бўлишаётганидан мамнунман.

Тўғри, тараққиёт бўлаяпти, ёшларнинг компьютерга, интернетга қизиқиши кучли. Бу табиий жараён. Интернет асрида ёшларимиз дунёдаги тенгдошларидан ортада қолмаслиги керак. Мен буни қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга, уларни ҳамиша китоб билан ошно бўлишга чақираман.

Китоб қадрини билган бўлади. Билсанг китоб мўқаддас неъмат... Яқинда қороз чикиндиларини топишгани бордим, — дейди бир танишим. — Тиллога тенг китоблар макулатурага топирилаётганини кўриб, ҳайрон қолдим. Қороз қабул қилувчини кўндириб, анчасини сотиб олдим. Уйимга бебаҳо бойлик билан қайтдим. Бу китоблардан менгина эмас, оиламиз аъзолари, қўнчилик баҳраманд бўлади.

Китоб ўқисак, фикримиз чарқланади. Тафаккуримиз, дунёқарашимиз кенгайди. Ёш муҳими, кўлимизда китоб кўрган фарзандларимиз, неваара-чевараларимиз биздан ўрнак олади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
журналист.

Реклама ва қўтловлар

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ

«НУРЛИ ДОН»


МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни, ёғ-мой саноати соҳаси
ходимларини Ўзбекистон Республикаси*

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан муборакбод этади.

*Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз соғ
ва омон бўлсин!*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**барча юртдошларимизни Истиклол байрами
билан табриклайди!**

**Ватанимиз тараққиёти йўлидаги эзгу
ишларингизда зафарлар тилайди.**

Юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари)ни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш лозимлигини эслатиб ўтади.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 15-уй,
телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй,
телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси,
2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй,
телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси,
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй,
телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй,
телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 8-«А» уй,
2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча,
телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,
телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй,
телефон: (71) 230-64-67.
Фаргона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй,
телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона,
телефон: (71) 230-64-77.

**TURON
BANK**

1 Сентябрь *Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллиги куни*

*«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий
муборакбод этади.*

*Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларингизда омадлар тилайди. Юртимизни
тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин!*

*Тинчлигимиз барқарор,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!*



www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Реклама ва қутловлар



«203-TAJRIBA YO'L MASHINA STANSIYASI» жамоаси

юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида
астойдил жон куйдириб меҳнат қилаётган
ҳамюртларимизни, темир йўл соҳаси
вакилларини
Ўзбекистон Республикаси
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИК
байрами билан қутлайди.

Истиқлол инъом этган тинчлик,
хотиржамлик, тўкинлик, бахт-саодат ҳар
доим ҳамроҳингиз бўлсин!



MEN SEVGAN YURT!

Mustaqillik
bayramingiz
muborak bo'lsin!

InfinBANK

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»



ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALIOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'loqin TO'RAKONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 3540 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01:20.
Topshirilgan vaqti — 02:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV



Gazetaning elektron sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5